



Сен агар раҳмат никобин ёпмасанг (Сўфи Оллоёр)



Холико, койилман ўз нуксонима,
Кўп жафо килдим ўзимни(нг) жонима.
Зоти покингдин иноят бўлмаса,
Хеч ишончим йўк амал килгонима.

Холико, килдим фаоли кандани,
Килмагил расво мане - шармандани.
Сан агар раҳмат никобин ёпмасанг,

Айби кўп, нуксони кўпдур бандани(нг).

Холико, тўктум ибодат тосини,
Сан тузарсан бандани(нг) кам-косини.
Кулларинг булганса исён лойига,
Окизурсан магфират дарёсини.

Холико, ё Аввало, ё Охиро,
Нафси шайтон жонима бўлди бало.
Гарчи Оллоёр ўтарчидур ёмон,
Кўймагил душман кўлига мубтало.

Холико, умр айладим фони билан,
Энди банданг зор этар жони билан.
Сўфи Оллоёр эрур зору забун,
Жонини ол, нури иймони билан.

Шарх: Сен агар рахмат никобин ёпмасанг
Яратган парвардигорим! Айбу нуксонли бандангман. Синов учун берган умринг давомида гунохга ботдим. Ўз жонимга жафо килдим. Сенинг буюк зотингдан рахм-шафкат, яширин хазинангдан гамхўрлик бўлмаса, амалларимга ишончим йўк. Дунёнинг ширин алдовларига учдим. Сенга ибодат килишни кўп бор унутдим. Киёмат куни ибодат борасида сўрок килсанг, холимга вой. Умид факат рахмату магфиратингдан. Йўкса шармандалик насибам бўлур. Агар гунохларимни ўз фазлинг остига яширмасанг, гунохлар гардидан юзим каро бўлгай. Ё Илохо, тоат захирам Сен буюргандан анча кам. Унинг кам-кўстини Ўзинг тўлдиргин. Зеро, биз бандалар унутгувчи, исён боткогига ботгувчимиз. Нокислик бизга хос. Сенинг магфират дарёинг окиб турмаганда холимиз нима кечар эди?! Ё аввалу охирни яратган ягона Зот, шайтон шарридан Ўзинг химоянгга ол. Шайтон куткуси жонимга бало бўлди. Ё Холико, умримни нафси аммора йўлида совурдим. Жону жахоним билан килаётган илтижоларимни рад этма. Хузурингда зору забун турган Сўфи Оллоёрга рахм айла. Унинг жонини барча солих бандалар катори иймон нури билан олгин!

Рахматуллох Носирнинг
"Соз билан сухбат" китобидан